



Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

48
(793)-son

30-noyabr

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** ●

Хитойликлар дунёнинг энг баланд чўққисини мобил алоқа билан таъминлашга эришишди. Улар яқинда денгиз сатҳидан 6500 метр баландликда ўрнатилган база станциясини синовдан ўтказишди.

Олинган натижаларга кўра, режа уудаланган — энди ҳатто Эверест чўққисида туриб ҳам кўнгириклар қилиш, матнли хабарлар жўнатиш мумкин. Ушбу лойиҳа Олимпиада — 2008 доирасида амалга оширилди. Эслатиб ўтамиз, Пекиндаги тантанали очилиш маросимидан сал аввал бир гуруҳ алпинистлар Эверестга Олимпиада машъаласини олиб чиқишди.



23 ДЕКАБР —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни



САЙЛОВОЛДИ ТАШВИКОТИ АВЖИДА

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле ҳамда радиоканалларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари билан чиқишлари жадвали, шунингдек, "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" республика газеталарида номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурларини чоп этиш жадвалини тасдиқлаган эди.

Шунга мувофиқ, юқорида номлари қайд қилинган оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар — А.Рустамов, Д.Тошмухамедова, И.Каримов, А.Саидовларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурлари эълон қилинди. Шунингдек, жойларда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислон Каримов 26-27-28 ноябр кунлари Сурхондарё, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида сайловчилар билан учрашди. Учрашувларда йирилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни изчил давом эттириш, фермерлиқни, кичик-бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юқини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, аҳолининг реал даромадларини муттасил ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, маданий-маърифий ва таълим соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади. Учрашувларда Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 28 ноябр куни Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди. Йирилганлар номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирилди. Тадбирда А.Рустамов нутқ сўзлади.



СПОРТ ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

— дейишмоқда "ШАК" жамоаси футзалчилари

АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ ОРАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ВА СПОРТНИ КЕНГ ОММАЛАШТИРИШДА ТУРЛИ ТАДБИРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА. МАЪЛУМКИ, ЕТТИ ЙИЛДАН БУЁН СОҲА КУБОГИ УЧУН ФУТЗАЛ БЎЙИЧА БИРИНЧИЛИК ЎТКАЗИБ КЕЛИНЯПТИ.

ШУНГА МУТАНОСИБ РАВИШДА ҲАР ТОМОНЛАМА МУКАММАЛ ЖАМОАЛАР ШАКЛЛАНАЁТГАНЛИгини ЭЪТИРОФ ЭТИШ ЎРИНЛИДИР. "ШАҲАРЛАРАУ АЛОҚА КОРХОНАСИ" ЖАМОАСИ НИСБАТАН ҚИСҚА ВАКТ ИЧИДА АНА ШУ КУЧЛИЛАР САФИГА ҚўШИЛИШГА МУВАФФАҚ Бўлди.

15-БЕТ



JUMADAN — JUMAGACHA

✓ Матбуотда "Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон футбол федерацияси мажлислар залида 23 ноябр куни мазкур мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев футболчиларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди. Шунингдек, футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси — "Isuzu" автобуси тақдим этилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 28 ноябр куни Оксаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди. Урашувда икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодаси" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган ушбу анжуман Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

✓ "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ҳукуматининг 2007 йил 12 февралдаги мажлисидаги маърузаси асосий қондаларини амалга ошириш юзасидан мамлакат парламенти юқори палатаси қўмиталарининг тадбирлар режаси доирасида "Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазирамизнинг" мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган семинар Қарши шаҳрида ўтказилди.

Семинар иштирокчилари она ва бола ҳуқуқларини қонунчилик йўли билан таъминлашга, хотин-қизларнинг, шу жумладан, болаларини парваришlash билан машғул аёлларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга Ўзбекистон Республикасида муҳим аҳамият берилаётганлигини таъкидладилар.

✓ Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилган "Йил аёли" биринчи миллий танловнинг республика босқичи ғолибаларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Иккунчи беллашувда олти минг нафардан зиёд аёл иштирок этди. Уларнинг ўн тўрт нафари яқуний босқичда ўз маҳоратини намойиш этиш имкониятига эга бўлди. Биринчи ўрин самарқандлик гиламдўз, "Самарқанд-Бухоро ипак гилами" кўшма корхонаси менежери, Самарқанд давлат чет тиллар институти магистранти, икки фарзанднинг онаси Дилдора Ниёзовага насиб этди.

✓ Яқинда "Самарқанд автомобил заводи" конвейеридан мингичи "Isuzu" чиқди. Шу муносабат билан корхонада тақдимот маросими ўтказилди. Унда йил охиригача бу ерда 1,5 мингта "Isuzu" машиналари тайёрланиши режалаштирилгани, келгусида бу кўрсаткич босқичма-босқич кўпайиб, 4 мингтага етказилиши, автобус ва юк машиналарининг бир қисми хорижга экспорт қилиниши кўзда тутилаётгани таъкидланди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси бугун эрталаб соат 10.00да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Маркетинг ва яна маркетинг

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИМКОНИЯТЛАРИДАН КЕНГ ФЙДАЛАНИЛАЁТГАН АЙНИ КУНЛАРДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РАҚОБАТБАРДОШЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛДИ.

Зеро, соф рақобат муҳитида амалда жорий этилган маркетинг стратегияси кўзланган натижаларга тўла-тўқис эришишга замин яратишни шу соҳани ривожлантиришга эътибор қаратган қатор корхона ва ташкилотлар фаолияти исботлаб қўйди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида маркетингни ривожлантириш борасидаги тажрибаларни омалаштириш, унинг имконияти ва муаммолари ҳақида ўзаро фикр алмашиш мақсадида пойтахтимиздаги "Шодлик палас" меҳмонхонасида бўлиб ўтган илмий-амалий семинар ҳам ушбу долзарб масалага бағишланди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда мазкур тадбирга хомийлик қилган "ITECO TASHKENT" компанияси томонидан ташкиллаштирилган ушбу семинарда "Ўзбектелеком" АКнинг барча филиаллари маркетинг бўлими бошлиқлари ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ мутахассислари иштирок этишди.

Семинарни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари Асаджон Хўжаев кириш сўзи билан очди. Дастлабки маъруза учун сўз "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали маркетинг бўлими бошлиғи Валерий Гулинга берилди.

— Филиалимизда маркетингни ривожлантириш борасида анчагина ишлар амалга оширилмоқда, — деди жумладан Валерий Михайло-



вич. — Айни пайтда 600 минг нафар мижозга хизмат кўрсатаямиз. Улар юздан ортиқ идоралар, корпоратив алоқа тармоқлари операторлари, интернет-провайдерлар, уяли ҳамда мультисервис тармоқлари, юқори сифатли техник ресурслар, транспорт тармоқлари, халқаро, шаҳарлараро, маҳаллий телефон алоқалари ва маълумотлар базаси хизматларидан фойдаланмоқдалар.

Мамлакатимизда инвестиция учун яратилган қулайликлар пойтахт телекоммуникация тармоғида энг илғор технологияларга асосланган замонавий ускуналар ўрнатилган имкон яратди. Телефон ва мультимедиа хизматлари, маълумотлар узатиш базаси, юқори тезликдаги ахборотлар оқимини мўжасамлаштиришни таъминлаш учун юқори қувватли станциялараро оптик тармоқ хизмат қилмоқда. Бу инфратузилмадан фойдаланиш бизнес киритиш ва аҳоли эътиёжини қондириш учун ҳар қандай зарур хизмат турларини тақдим этиш имконини беради. Мутахассисларимиз интерфейслар, коммутация қурилмалари ўзаро улашиши ва кабел алоқасини тестдан ўтказиш орқали охириги нуктагача юқори тезликни таъминлашга интиломоқдалар.

Бугунги кунда тармоқдаги онлайн янги ўйинлари, хонадон тармоғида IP-телефония, мусиқа ва видео ўрнатиш, уй вазифини бажариш учун ISDN, xDSL, Ethernetдан фойдаланишнинг кенг саҳифали технологияларига эътиёж катта. Замонавий телекоммуникация тизимлари, рақамли қурилмалар (уску-

налар) ва оптик-толали алоқа кабелларига хизмат кўрсатиш юқори савияда амалга оширилмоқда. Буларнинг бари филиалимиз иқтисодий аҳолининг яхшилланишига сабаб бўляпти. Биз, шунингдек, Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ҳам кўплаб эзгу тадбирларни амалга оширишга эришдик.

Илмий-амалий семинарда, шунингдек, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ маркетинг бўлими бошлиғи Абдуқосим Раббимов, "Uzinfocom" ётачки мутахассиси Алижон Назаров, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази интернет тармоғида маркетинг тадқиқотларини ўтказишни ташкиллаштириш бўйича мутахассиси Елена Сафонова, MICROS компанияси бўлим бошлиғи Елена Мохова, "ITECO TASHKENT" компанияси директори Улғабек Тағалиев, "Халқаро почта" филиали маркетинг бўйича инструктори Татьяна Баханова, "Ўзбектелеком" АК "UzNET филиали маркетинг бўлими ётачки мутахассиси Фафуржон Фафуров, "MTK" ШК бўлим бошлиғи Сардор Сайдалиев ва бошқаларнинг қизиқарли маърузалари тингланди.

Семинар давомида иштирокчилар ўзаро фикр алмашдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олдилар. Ҳайратангиз, соҳада маркетингнинг ривожланишида муҳим вазифини амалга оширишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта бўлади.

Муборак МИРКАМОНОВА,
"Xabar" мухбири

Юридик хизмат: соҳада унинг ўрни ва роли



ХУДДИ ШУ МАВЗУДА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИДА СОҲА ЮРИДИК ХИЗМАТЛАРИ ХОДИМЛАРИ УЧУН СЕМИНАР-ЙИГИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ. ЙИГИЛИШДА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ А.ХЎЖАЕВ ҚАТНАШДИ.

Семинар Агентлик ҳамда тизимдаги акциядорлик компаниялари, жамиятлар, корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини ҳуқуқий таъминлашнинг устувор йўналишлари ҳамда юридик хизматларнинг роли ва иш самарадорлигини ошириш сингари долзарб масалаларга бағишланди. Ушбу мавзулар юзасидан Агентлик бош юридик

маслаҳатчиси Б.Жабборов маъруза қилди.

Ўзбекистон Адлия вазирининг 2007 йил 14 июндаги "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қондалари" ҳақида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги қарори билан тасдиқланган Низомлар асосида давлат ва ҳўжалик органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини ҳуқуқий таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича Адлия вазирлиги вахили Д.Сабдуллаев йиғилиш иштирокчиларига батафсил маълумот ва тушунтиришлар берди.

Шунингдек, соҳа корхона ва ташкилотларидан ташриф буюрган юридик хизмат ходимларининг ҳам фикр-мулоҳазалари тингланди.

Семинарда соҳанинг барча корхона ва ташкилотларидаги юридик хизматларининг иш фаолиятларини юқорида кўрсатилган Низомлар асосида тўдан яхшилаш, ҳуқуқшунослар зиммасига оқлатилган муҳим топшириқ ва вазибаларнинг замон талабларига мос равишда бажарилишини таъминлаш, шунингдек, соҳа фаолиятига доир қонунларни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш тажрибасини ошириш ва қонун устуворлиги тамойили асосида иш юритиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш зарурлигига эътибор қаратилиб, бу вазибаларни бажаришда юридик хизматларининг ўрни бекиёслиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўз мухбиримиз

23 ДЕКАБР —

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни



Сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови фуқаронинг сиёсий ҳақ-ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Ана шу меъёрни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ҳеч қандай бефарқ қолдирмаслиги керак. Истардикки, фуқароларимиз жамиятда юз бераётган ўзгариш, жараёнларни диққат билан кузатибгина қолмасдан, балки ўзлари ҳам фаол иштирок этиши лозим. Зеро, бундай ҳуқуқлар республикамиз конституциясида қонуний мустаҳкамлаб, кафолатланган.

Халқимизда тоғиб айтилган бир нақл бор: "Сўраб ўрганган олим, орлинб сўрамаган ўзига эолим". Дарҳақиқат, ўз қадр-қимматига етган, ўзини ҳурмат қилишларини истаган инсон жамиятдан ана шу ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишга аввало ўзи интилиши, қураша билиши лозим. Бунинг дебочаси эса билим — ҳуқуқий маданият ҳисобланади. Сайловларни сиёсатчиларнинг-гина иши деб қараш, ўзини "бир оми одамман" қабилда жахоншумул жараёнлардан четга олиши фуқаронинг ўзига бўлган ишончини синдиришдан бошқа нарса эмас. Қолаверса, бундай тутум кишининг ўзига нисбатан бошқалар эътиборини йўқотишига олиб келади.

Конституциямизнинг 117-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳолига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга бўлган муносабати, машғулот тури ва хусусиятига қараб инсон ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш таъқиқланади.

Бундан ортиқ мустаҳкам ҳимоя, кафолат бўладими!

Биз ҳам юқоридагилардан келиб чиқиб, юрдошларимизга билса чин, билмаса ҳазил тарзида бир гапни айтгимиз келди. Ўтмиш даврдан кўнма бўлиб қолган барча оила аъзоларининг сайлов варақаларини йиғиш-

тириб олиб бориб, қўтига ташлаш мустақил юртимиз фуқароларига, юксак фуқаролик жамияти шаклланаётган мамлакатимиз аҳлига жуда хижолатлик иш. Бу каби хатти-ҳаракатларга чинакамига ўтмишнинг сарқитларидан бири деб қараш вақти келди! Ўз фуқаролик ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик!

Бош қонунимизда, қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган катта имтиёз ва кенг имкониятларимиздан фойдаланишимиз мумкин.

Фуқароларимиз дилларида фахр билан эътироф этишлари мумкинки, ҳар қандай ҳолатларда ҳам инсон қадри баланд тутилади, ҳимояланади. Масалан, сайлов куни ўз турар-жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдинроқ овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Бу тартиб "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари" тўғрисидаги қонуннинг 18-моддасида белгилаб қўйилган. Бу дегани, инсоннинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва бурчини адо этиши, эркин сайловда иштирок қилиши учун белгиланган кунда сафарга кетишига тўғри келиб қолса ёки бошқа бирон сабаб туғилса ҳам сайлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди.

Юқорида тилга олинган қонуннинг 19-моддасида таъкидланадики, "Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга, бу комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиши шарт".

Шундай экан, сайловда фаол иштирок этиш асносида ҳуқуқий маданиятлик эканимизни намоян қилиш учун изланиш, ўқиб-ўрганишга интилайлик.

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,
Андижон вилояти ахборот-қутубхона
маркази ҳуқуқшуноси



Ёш аскарлар қасамёди

25 ноябр куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармасида мuddатли ҳарбий хизматга қақиртирилган ёш аскарларнинг Ҳарбий қасамёд тадбири тантанали тарзда ўтказилди.

Ушбу тадбирда аскарларнинг ота-оналари ва яқинлари, Зангиота туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари, жамоа ва давлат ташкилотларидан вакиллар қатнашдилар. Йиғилган кўз олдида ёш аскарлар Ватанга, ўз халқига ҳамisha содиқ бўлишга тантанали қасамёд қилишди. Сўзга чиққанлар ёш аскарларни ҳаётлигидаги муҳим ва масъулиятли дамларга қадам қўйишгани билан табрикладилар.

Шундан сўнг меҳмонлар аскарлар ҳаёти билан танишдилар. Таъкидлаш жоизки, аскарларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Аскарлар ётоқхоналари, дам олиш хона-

ларининг замонавий маиший техника, зарур жиҳозлар билан таъминланганлиги, турли-туман тадбирларнинг ўтказилиши фикримиз исботидир. Йилдан-йилга мuddатли ҳарбий хизматчиларнинг билим даражаси, дунёқарашидagi фарқ яққол сезилмоқда. Ёш аскарларнинг тиришқоқлиги, машғуллотлардаги фаоллигини кўриб, қувонасан киши. Шунингдек, аскарлар ошхонасида миллий таомлар, фитобарда эса шифобахш шарбатлар тайёрланади. Бу албатта, соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасидир.

Қуролли Кучларимиз йигитлари ўз Ватани, халқи ва Президентимизга содиқ эканлар, осмонимиз доимо мусаффо, ҳаётимиз осийишта ва фаровон бўлишига ишонамиз.

Абдуважид САГАТОВ,
Махсус авария-тиклаш
бошқармаси бошлигининг
тарбиявий ишлар бўйича
ўринбосари, подполковник

ТО'УХАТ

Дарё мавжлари

ТАМАРА ПРОКОФЕВНА ЯРКОВА УМРИНИ ПОЧТА СОҲАСИГА БАФИШЛАГАН, ҲАЛОЛ МЕҲНАТЛАРИ ОРҚАЛИ ҚАДР ТОПГАН ИНСОНЛАРДАН.

Ҳозирги кунда нафақат Тошкент вилояти, балки пойтахтимиз ва бошқа вилоятларда, қўшни республикалардаги турдош корхоналарда меҳнат қилётган почта хизматчилари орасида ҳам Тамара опанинг кўллаб шоғирдларини учратиш мумкин.

Т.Яркова Чирчиқ шаҳрида туғилиб, воёга етди. Шу шаҳардаги почта алоқаси бўлимига почтачиликка ишга қабул қилинганида эндигина ўн саккизинчи баҳорини қарши олаётганди. "Умр — оқар дарё", дейишди. Шу воқеага ҳам 50 йил бўлибди. Бу йиллар силсиласида Тамара Прокофевна почта ишини илpidан-игнасигача ўрганиб, ўз ишининг ҳақиқий устасига айланди, кўллаб дўстлар, шоғирдлар орттирди. Айни пайтда ҳамкасб-шоғирдлар Чирчиқ шаҳар

почта алоқаси тармоғига қарашли 24-алоқа бўлимини бошқараётган устозларини жуда ҳурмат қилишди, керак пайтда ўта талабчан бўлиш билан бирга, оналарча меҳрибонлиги ва дўстона ёрдам қўлини чўзишини эътироф этишди.

Вилоят почта соҳасидаги муҳим тадбирлар Тамара опанинг ўтмайди. Жумладан, яқинда "Энг яхши почта хизматчиси" кўриқтанловининг вилоят босқичи қатнашчиларини саралашда ҳам Тамара Прокофевна ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этди. Ушбу тадбир устоз алоқачи учун унутилмас оғиларни ҳада этди десак, асло мулолага бўлмаса керак. Чунки танлов ўтказилаётган кунларда Тамара Яркованинг почта соҳасида фаолият бошлаганига роппа-роса ярим аср

тўлган. Шу муносабат билан филиал ва тармок раҳбарлари, ҳамкасб ва шоғирдлари устоз шайнига энг самимий тилакларни йўллашди. Унга "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик мукофоти, Чирчиқ шаҳар почта алоқаси тармоғининг пул мукофотлари топширилди. Тошкент вилоятида, қолаверса, республикамизда почта алоқаси хизматининг равнақ топишида Тамара Яркова сингари билимдон ва тажрибали мутахассисларнинг ўз ўрни бор, албатта. Уларни ҳар қанча ардоқласак, улардан ҳар қанча ўргансак оз.

Собит АҲАДОВ,
"Хабар" мухбири

АНОНС

Ўтаётган ҳафтада мамлакатимиз талабалар жамоалари Дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати Шимоли-шарқий Европа гуруҳи "Middle Asia" минтақаси яримфинал мусобақаларида, ўрта-махсус таълим муассасалари ва мактаб ўқувчилари жамоалари Дастурлаш бўйича VIII Бутунроссия очик олимпиадаси финал беллашуварларида иштирок этишди. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университетидa «Келажақ овози — 2007» медиа танловининг ахборот технологиялари йўналиши бўйича республика босқичи ўтказилмоқда. Мазкур тадбирлар тафсилотлари ва натижалари билан газетамизнинг келгуси сонидa батафсил танишишингиз мумкин.

QISHLOQLARDA ZAMONAVIY ALOQA

Шоҳимардонликлар қувончи

Ўзбекистон Републикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «Ўзбектелеком» АК телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан Фаргона вилоятида қатор ишлар амалга оширилди. Кўплаб қишлоқлардаги АТСлар янги рақамлиларига алмаштирилди. Жумладан, Шоҳимардон қишлоғида ҳам анчадан буюн кутилган воқеа содир бўлди. Қишлоққа ХХР кредитига асосан радиореле линияси орқали алоқа тизимини ташкил қилиш учун НР-15-71W русумли узатиш қурилмалари келтирилиб, «Фаргона Телеком» филиали ҳамда Шаҳарлараро магистрал алоқа техник бўлими (ШМАТБ) мутахассислари томонидан бир гуруҳ шоҳимардонликлар ёрдамида денгиз сатҳидан 3000 километр бандликка — тоққа олиб чиқиб ўрнатилди.

Ҳозирги кунда қишлоқ марказида 512 сизимга эга бўлган АТС ишга туширилди. Узатиш қурилмаларини тоққа олиб чиқиб ўрнатиш оsonликча ҳал бўлмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳудудий бошқармаси ҳамда «Фаргона Телеком» филиали раҳбарлари ишининг тез ва бехато бажарилишини таъминладилар. Малакали муҳандислар ўзларининг юксак маҳоратларини намойиш қилдилар. Айниқса, филиалдан Алишер Абдуқуллаев, Нўмонжон Каримовлар, Фаргона тумани телекоммуникациялар боғламасидан Тўлқинжон Маматов, Икромжон Ҳасанов, Лутфулло Тешабоев, Ботир Умаровлар, ШМАТБдан Алижон Абдурашидов, Рустамжон Жўраев, Олимжон Абдурахмонов ва Виталий Матвиенко каби мутахассислар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Бир сўз билан айтганда, энди шоҳимардонликлар ер юзининг исталган нуқтаси билан тўғридан-тўғри боғланиш имкониятига эга бўлди. Интернетга улашиш, телефон алоқаси сифати яхшиланди. Бундан ташқари, қишлоқда «Перфектум Мобайл» уяли алоқа компанияси телефонлари ишлаши ҳам йўлга қўйилди. Ҳадемай «Ўзбекистон Мобайл» филиалининг уяли алоқа аппаратлари ҳам иш бошлайди.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Хабар"нинг Фаргона вилоятидаги мухбири

XALQARO HAYOT

САЙЛОВ КУНИ — 2 МАРТ

Россияда мамлакат президентлиги учун навбатдаги сайловларни 2008 йил 2 мартда ўтказиш белгиланган.

Мамлакат қонунчилигига кўра, бу куннинг белгиланиши сайлов кампанияси бошлангани ҳам англатади. Айни пайтда Гарри Каспаров, Григорий Явлинский, Геннадий Зюганов, Владимир Жириновский, Николай Курянович, Владимир Буковский, Михаил Касянов ва Борис Немцов президент сайловларида ўз номзодини илгари суришларини билдиришди.

Сайлов кампаниясини молиялаштириш учун мамлакат бюджетидан 5,2 миллиард рубл ажратилиши кутилди.

ЭРОННИНГ ЯНГИ СУВ ОСТИ КЕМАЛАРИ

Эронда янги сув ости кемаси ва эсминец ишлаб чиқариш жараёни якунланди.

Мамлакат ҳарбий донгиз кучлари кўмондони Ҳабиб Сайярӣ маълум қилишича, "Жамаран" эсминеци ва "Гадир" сув ости кемаси асосан ҳимоя мақсадларида хизмат қилади. Шу билан бирга, донгиз флотининг янги техникалари Форс кўрғазидида душман кучларига қарши ҳужум ҳаракатларида ҳам ишлатилиши мумкин. Эрон ҳукумати бир пайтнинг ўзидида ракета отиш имконига ҳам эга бўлган сув ости кемаси яратилаётгани ҳақида аввалроқ маълумот берган эди. Утган йилнинг августида мамлакат донгиз флоти Форс кўрғазидида сув ости кемаси ракеталарини синовдан ҳам ўтказган эди.

ЕЛИЗАВЕТА I ПОРТРЕТИ СОТИЛДИ

Лондоннинг Sotheby's кимосиди уйда ўтган савдолар чоғида қиролича Елизавета Iнинг портрети 2,5 миллион фунт стерлинг (5,3 миллион АҚШ доллари)га сотилди.

Мазкур тасвирий санъат асари белгиялик расмун Стивен ван дер Мюлен қаламига мансуб бўлиб, 1560 йил бошида Елизавета I Англия қироличаси деб эълон қилинган пайтда чизилган. Уша пайтларда қиролича ўттиз ёшда бўлган.

Маълум бўлишича, сурат кейинчалик қироличанинги ўзи томонидан Хэмденлар оиласига тўхфа этилган. Хэмденлар хонадони ушбу қимматбаҳо портретни бугунга қадар сақлаб келган.

Тўрт асрлик тарихга эга бўлган санъат асари Лондоннинг Philip Mould Fine Paintings компанияси томонидан сотиб олинган.

СУВАРАККА ҚАРШИ "СУВАРАК"

АҚШнинг Массачусетс университети олимлари суваракларга қарши курашувчи робот яратишди.

Ҳақиқий сувараклардан умуман фарқ қилмайдиган бу роботлар ҳар қандай муҳитда ҳам суваракларнинг одам назари тушмайдиган инларига кириб бора олади. Инларга етиб борган, ўзидан феромон кимёвий моддасини чиқаради. Ҳавога тарқалган бу модда сувараклар ва уларнинг туҳумларини бир зумда кириб ташлайди. Ушбу жангчи роботнинг бир донаси нархи 120 долларга белгиланган ва яқин кунларда сотувга чиқарилади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди



DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

ЖАМИЯТ ВА АҲОЛИНИНГ АХБОРОТГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ БЕКИЁСДИР. МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДАЁҚ САМАРҚАНД ШАҲРИДА БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ НОДАВЛАТ «САМАРҚАНД ТВ» (СТВ) ТЕЛЕТАРМОҒИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Оммавий ахборот воситалари орқали ахборотнинг тез, аниқ ва сифатли етказилишида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлари доирасида фаолият юритиш талаб этилади. Ушбу талабларнинг бажарилиши юзасидан 2007 йилнинг август ойида «Самарқанд ТВ» телевизион ижодий уюшмаси масъулияти чекланган жамиятида режали текшириш ўтказилди. Текшириш жараёнида амалдаги бир қатор қонун ва норматив ҳужжатлар талаблари бажарилмаётганилиги, жумладан, Электрон мағнанит мослашув маркази (ЭММ)нинг рухсатномаларисиз радиоэлектрон воситалардан фойдаланилаётганилиги, уюшма фаолиятига тааллуқли босма шаклдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланмаганлиги, лицензия битимида белгиланган вақтдан чиққан ҳолда курсатувлар эфирга узатилаётганилиги, телерадиодастурларни шакллантириш ва узатиш воситаларининг айримлари ерга уланмай техника хавфсизлиги қондаларининг бажарилмаганлиги, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича йиллик ва ойлик режалар ишлаб чиқилмаганлиги, уюшмадаги иш жойлари аттестациядан ўтказилмаганлиги аниқланди.

Шулар билан бир қаторда, уюшма томонидан «Нодавлат телерадиоэшитириш объектларини қўриқлаш ва хавфсиз ишларини таъминлаш тўғрисидаги йўриқнома» талаблари бажарилмаган.

ЭММнинг рухсатномаларисиз радиоэлектрон воситалардан фой-

даланилганлиги учун уюшма директори ўринбосари С.Ражабова нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 152-моддаси, 1-қисмига асосан маъмурий жазо чораси қўлланилди.

Шунингдек, почта йўналишида 2007 йилнинг апрел ойида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд

тар билан таъминланмаган, пенсия ва нафақаларни ишончномасиз бошқа шахсларга тўлаш ҳолатлари 8 дан 12 фоизгачани ташкил этган, Мисит алоқа бўлимининг санитария ҳолати талабга жавоб бермайди, миқозлар учун зарур маълумотлар мавжуд эмас, 8-шакл дафтари тўлиқ расмийлаштирилмаган. Текшириш якунлари бўйича

Қонунга ҳурмат ҳаётимиз мезони!

филиали ва филиал тизимидаги Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш цехи, Каттақўрғон шаҳар, Зиёдин почта алоқаси тармоқларида ўтказилган режали текшириш жараёнида бир қатор хато ва камчиликлар аниқланди, жумладан:

- Самарқанд филиали ишлаб чиқариш цехи бош кассасида айрим кунларда кун охирида меъёрдан ортиқча пул маблағи қолдирилган, қабул қилинган қиймати эълон қилинган халқаро жўнатмаларга тарифлар нотўғри қўлланилган, пенсия ва нафақаларни ишончномасиз бошқа шахсларга тўлаш ҳолатлари бдан 8 фоизгачани ташкил этган, айрим алоқа бўлимлари томонидан коммунал тўловлар қабул қилинган, лекин 47-шакл дафтардан патта кесиб берилмаган, қатъий ҳисобот бланкларининг қайдномалари, дафтарлари ва ҳисоботлари юритилмаган;

- Каттақўрғон шаҳар почта алоқаси тармоғи алоқа бўлимлари код асосида пул маблағларга талабнома бермаган, бош касса ички ишлар қўриқлаш бўлимининг пултига уланмаган, пенсия ва нафақаларни ишончномасиз бошқа шахсларга тўлаш ҳолатлари бдан 9 фоизгачани ташкил этган, айрим қабул қилинган халқаро почта жўнатмаларига сугурта ҳақи нотўғри ҳисобланган, алоқа бўлимларида почталарнинг йўналиши бўйлаб ҳаракатланиш чизмалари мавжуд эмас;

- Зиёдин почта алоқаси тармоғида кириш пул жўнатмалари билан ишлаш мажбурияти юкланмаган, Бойкут алоқа бўлими 5-шакл даф-

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд филиалининг 2007 йил 1 майдаги 94-сонли буйруғи ишлаб чиқилди ва камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан интизомий чоралар қўрилди.

Юқорида келтирилган камчиликлар жойлардаги ходимларнинг малякиси ҳамда уларнинг норматив ҳужжатлар асосида ишлаш борасидаги билим савиялари етарли эмаслиги оқибатида келиб чиққан. Хато ва камчиликларнинг келиб чиқишига кўпчилик «зуклолар» одатий ҳолдай қараб, «иш бор жойда камчилик ҳам бўлади» дейишди. Агар ходимлар ўз ишининг устаси бўлса, иш жараёнини норматив ҳужжатлар асосида ташкил эта олишса, яна қандай камчиликка йўл қўйилиши мумкин!

Ҳар иккала текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида бу каби камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида, ҳўжалик юритувчи субъектларга Самарқанд вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан курсатма берилди ва унинг бажарилиши назоратга олинди.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳозирги пайтда қонун устуворлигини таъминлаш бу мамлакат тараққиётининг кафолати ҳамда эзгу мақсадларимизга эришишимизга пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шу боис, қонун устуворлигига эътибор қаратиш — бу давр талаби эканлигини ҳеч биримиз эсдан чиқармаслигимиз лозим.

А.ШАРАПОВ,
Самарқанд вилояти
ДАИ бошлиғи

Кенгаш ўтказилди

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИНING КЕНГАШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА 2007 ЙИЛ 9 ОЙЛИК ИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. КЕНГАШДА ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИ Ш.АБИД-ХОДЖАЕВ РАИСЛИК ҚИЛДИ.

Дастлаб Давлат алоқа инспекциясининг 2007 йил 9 ой иш натижалари юзасидан инспекция бошлиғи ўринбосари А.Фафуров маъруза қилди.

Маърузачи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекциялари томонидан 2007 йилнинг 9 ойда йўл қўйилган камчиликларга алоҳида тўхталиб, жойлардаги алоқа соҳасида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг курсатаётган хизматлар сифатига мутасадди ходимлар томонидан етарли даражада эътибор берилмаётганини алоҳида қайд этиб ўтди.

Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларга, рейдлар натижалари бўйича жисмоний шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига асосан маъмурий жавобгарлик чоралари тўғри қўлланилиши бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Айниқса, ҳозирги кунда почта алоқаси бўйича сифатни ошириш, пенсия ўғирликларини, шунингдек, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларининг ноқонунли ишлатилиши олддини олиш, алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар асосида давлат ва идоравий статистик ҳисоботларнинг тақдим этилиши ва ҳаққонийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.



Кенгаш якунида қўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли топшириқлар берилиб, иш жараёнида камчиликларга йўл қўйган масъул раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўрилиши белгиланди. Шунингдек, замонавий технологияларни татбиқ этган ҳолда ДАИ ходимларининг билимини янада ошириш, мутахассисларни ўқитиш, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан курсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кенгашдан сўнг жамоа шартномасининг бажарилиши ҳамда унга тегишли қўшимча ва ўзгартришлар киритиш юзасидан ДАИ бошлиғи Ш.Абидходжаев, инспекция касса уюшмаси қўмитаси раиси Д.Қосимовалар ҳисобот бердилар. Йиғилишда Ўзбекистон алоқа ходимлари касса уюшмаси марказий кенгашидан К.Мухамеджонова иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Надир ТУРСУНОВ,
ДАИ телекоммуникациялар бўлими бошлиғи
вазифасини бажарувчи

КО'RIK-TANLOV

Диллола ва Дилдора энди вилоят шарафини ҳимоя қилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 21 МАЙДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2010 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА «ЭНГ ЯХШИ ПОЧТА ХИЗМАТЧИСИ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҲАМ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда 12та шахар ва туман почта алоқаси тармоғида меҳнат қилаётган ходимларимиз ўзаро беллашдилар.

Иштирокчилар ахрлига замонавий ахборот технологиялари негизда янги турдаги почта хизматини кўрсатиш шarti бўйича почта алоқаси бўлимида иш кўнини очиш, компьютерни ишга тушириш ва хизмат кўрсатишга тайёрлаш, шунингдек, электрон пул ўтказмасини қабул қилиш, мижоздан электр алоқа хизматларига тўловларни қабул қилиш, интернет-кафеда хизмат кўрсатиш, электрон почта жўнатмаси (гибрид почта)ни қабул қилиш ва етказиш каби хизматлардан бирини амалда бажариб кўрсатдилар.

Кўрик-танловнинг 2-шarti бўйича қатнашчиларнинг почта алоқаси соҳасининг халқ хўжалигида тугган ўрни ҳақида эркин мавзуда чиқишлари, шунингдек, ашула ва рақс ижролари барчани мамнун этди.

Ҳакамларнинг ҳаққоний баҳоларига кўра, биринчи ўрин Тўрақўрғон тумани почта алоқаси тармоғи Хўжанд алоқа бўлими бошлиғи Диллола Асқаровага насиб этди. Энди у республика босқичида Наманган филиали шарафини ҳимоя қилади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Наманган шаҳри ва Чуст тумани почта алоқаси тармоқлари иштирокчилари эгаллашди. «Томоша-бинлар олқишига сазовор» номинациясига Поп почта алоқаси тармоғидан Ёқутхон Муслумонқулова лойиқ деб топилди. Ғолиблар ва барча иштирокчилар пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Адҳамжон РАПИҚОВ,
«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
Наманган филиали ПАТЭБ
бошлиғи

МАЪЛУМКИ, АҲОЛИГА ПОЧТА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИНГ СИФАТИ ВА САВИЯСИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДАГИ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ОММАЛАШТИРИШ ҲАМДА АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБ МАҲОРАТИ ВА БИЛИМ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА СОҲА ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ВАҚТИ-ВАҚТИ БИЛАН ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН КЎРИК-ТАНЛОВЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ тизимидаги «Энг яхши почта хизматчиси» кўрик-танлови ҳам бундан мустасно эмас. Яқинда Бухоро шаҳрида ана шу танловнинг вилоят босқичи ўтказилди. Қатнашчилар ўзаро беллашувлар чоғида ҳайъат аъзоларининг соҳага оид саволларига жавоб беришди, кундалик иш давомида компьютердан фойдаланиш, электрон почта ва пул ўтказмаларини жўнатиш ва қабул қилиш, интернетда ишлаш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ишдан бўш пайтларини қай тарзда ўтказиб ўтганликларини турли сахна кўринишлари орқали ифода қилишди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, барча саволларга аниқ, пухта жавоб бериб, ўз амалий фаолиятида етарли кўникма ва иш тажрибасига эга эканини исботлай олган Қоракўл тумани почта алоқаси тармоғи «Қозон» алоқа бўлими бошлиғи Дилдора Мирзаевага фахрли биринчи ўрин берилди. У кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ўрин Ғиждувон тумани почта алоқаси тармоғи «Сармижон» алоқа бўлими бошлиғи Азиз Тожиддиновга, учинчи ўрин эса Галаасий почта алоқаси тармоғи «Янги турмуш» алоқа бўлими бошлиғи Норжон Ҳикматовга насиб этди.

Асқар ИСТАМОВ,
«Хабар»нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Совға

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ АНДИЖОН ФИЛИАЛИДА «ЭНГ ЯХШИ ПОЧТА ХИЗМАТЧИСИ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ҚОРАҚАЛПОҚ ФИЛИАЛИДА БЎЛИБ ЎТГАН «ЭНГ ЯХШИ ПОЧТА ХИЗМАТЧИСИ» КЎРИК-ТАНЛОВИДА ҲАМ ҚАТНАШЧИЛАР ЎЗЛАРИНИНГ КАСБГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ ВА МАЛАКАЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ.

Иштирокчилар почта алоқаси бўлимларида ахборот технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини кўрсатиш борасида ўз билим ва маҳоратларини намойиш этдилар. Қатнашчиларнинг 4та шарт бўйича чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳолаб борилди.

Кўрик-танлов якунларига кўра, филиалнинг Кўронтена тумани почта алоқаси тармоғи марказий алоқа бўлими бошлиғи Мухтасархон Деҳқонова 3-ўринни, Пойтўғ почта алоқаси тармоғи марказий алоқа бўлими бошлиғи Илсбек Жалолов 2-ўринни эгаллади.

Андижон шаҳар почта алоқаси тармоғи 11-алоқа бўлими бошлиғи Дилшодбек Абдурахимов фахрли 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Кўрик-танлов ғолиблари ва қатнашчилари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Камолитдин ҚАМБАРИДДИНОВ
Андижон вилояти

Танлов якунида Тўрткўл тумани почта алоқаси тармоғи Шўроҳон алоқа бўлими бошлиғи Тожибой Сатторов биринчи ўринни, Хўжайли тумани почта алоқаси тармоғи Кулаб алоқа бўлими бошлиғи Жумабаки Полвонийёзова иккинчи, Тахиятош шаҳар почта алоқаси тармоғи оператори Бахит Ешанова учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиб Тожибой Сатторов танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Ғолибларга «Фахрий ёрлиқ» ва қимматбаҳо совғалар берилди.

Раҳимжон БОЛТАБОВ

Маҳорат

«ЎИ-Қарши» филиалида ўтказилган «Энг яхши телекоммуникация ходими», «Энг яхши сервис хизмати ходими», «Энг намунали АТС» ҳамда «Энг яхши линия муҳандиси» номинациялари бўйича кўрик-танловда иштирокчиларнинг ўз касблари бўйича ютуқлари, касбий маҳоратлари намойн бўлди.

Филиалга қарашли кросслар, АТСлар ҳолатлари ва ушбу АТСларда керакли меъёрий, бирламчи ҳужжатлар ва жиҳозлар билан таъминланганлиги, ҳар бир участкада қилинган ишлар жойига бориб ўрганилганда ўз аксини топганлиги қайд этилди.

Кўрик-танлов якуний маълумотларига асосан, «Энг яхши телекоммуникация ходими» номинациясида 221-АТС кросс катта электромеханиги Р.Шаропова, «Энг яхши сервис хизмати ходими» номинациясида Марказий мижозлар бўлими касса оператори Д.Баратова, «Энг намунали телекоммуникация боғламаси» номинациясида 223/00-АТС, «Энг яхши линия муҳандиси» номинациясида 223/00-АТС участка бошлиғи Б.Шукуров ғолиб деб эътироф этилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
«Хабар»нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Андижон алоқа касб-хунар коллежи тадбирлар залида «Андижон Телеком» филиали ходимлари ўртасида «Энг яхши телекоммуникация боғламаси», «Энг яхши телекоммуникация хизмати ходими» ва «Энг яхши сервис хизмати ходими» кўрик-танлови ўтказилди.



Кўрик-танловда алоқа ходими ва тадбиркоргина эмас, балки соҳасининг жонкуяри, юртининг ватанпарвари сифатида ўзларини намойн этган иштирокчиларнинг чиқишлари барчанинг таҳсинига сазовор бўлди. Уларнинг кросс ва линия ходимлари учун телефон тармоғидаги носозликларни тузатиш бўйича белгиланган меъёрлар ва тартиблар бўйича билимлари, сервис хизмати ходимлари учун эса муомала маданияти ва кўрсатилаётган электр алоқа хизмати нархномаларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги, давлат рамзлари, мадҳияси тўғрисида билишлари ҳам эътиборга олинди.

Танлов шartiда белгиланган таништирув қисмини бадийлаштириб, ўз шеърини маҳорат билан ўқиган ҳамда танлов саволларига тўла жавоб берган асакалик оператор Одинахон Раҳимова ҳакамлар томонидан телекоммуникация боғламалари сервис ходимлари ўртасида биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Олтинкўл тумани Оқтепа қишлоғида фаолият юритаётган «Омадбахш АНД» хусусий корхонаси таъсисчиси, тадбиркор Марҳабохон Юнусова «Олтинкўлим» шеъри билан қиқиб, танлов саволларига ҳам тўла жавоб берди, сахнада ўзини тўтиши, алоқа ходимига хос кийиниши, мижозлар билан муомала маданияти бўйича билими билан ҳам ҳакам аъзоларининг юқори баҳолига эришди.

Жалолқудуқлик тадбиркор қизимиз Гулмирахон миллий либосда сахна кўринишини ижро этиб, барчани ўзига ром қилди. Алоқачи эркакларимиз ҳам бўш келганлари йўқ. Танлов саволларига тўла жавоб берган шахрихонлик кросс ходими, ўз ишининг устаси Насирдин Усмонов, марҳаматлик линия муҳандиси Абдувоҳид Тошматовлар ҳакамлар томонидан «Энг яхши телекоммуникация ходими» номинацияси бўйича биринчи ўринларга лойиқ кўрилди.

Танлов якунида ғолиблар ва иштирокчиларга «Андижон Телеком» филиалининг қимматбаҳо совғалари ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлари топширилди.

Раҳмонжон УЗОҚОВ,
«Хабар»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Трибуна специалиста

МОНТАЖ ОПТИЧЕСКИХ КАБЕЛЕЙ – НАИБОЛЕЕ ОТВЕТСТВЕННАЯ ОПЕРАЦИЯ, ПРЕДОПРЕДЕЛЯЮЩАЯ КАЧЕСТВО И ДАЛЬНОСТЬ СВЯЗИ ПО ВОЛОКОННО-ОПТИЧЕСКИМ ЛИНИЯМ СВЯЗИ. СОЕДИНЕНИЕ ВОЛОКОН И МОНТАЖ КАБЕЛЕЙ ПРОИЗВОДЯТСЯ КАК В ПРОЦЕССЕ ПРОИЗВОДСТВА, ТАК И ПРИ СТРОИТЕЛЬСТВЕ И ЭКСПЛУАТАЦИИ КАБЕЛЬНЫХ ЛИНИЙ.

О ТРЕБОВАНИЯХ К МОНТАЖУ ОПТИЧЕСКИХ КАБЕЛЕЙ

Монтаж подразделяется на постоянный (стационарный) и временный (разъемный). Постоянный монтаж выполняется на стационарных кабельных линиях, прокладываемых на длительное время, а временный – на мобильных линиях, где приходится неоднократно соединять и разъединять строительные длины кабелей. Соединители оптических волокон, как правило, представляют собой арматуру, предназначенную для юстировки и фиксации соединяемых волокон, а также для механической защиты сростка. Основными требованиями к ним являются: простота конструкции, малые переходные потери, устойчивость к внешним механическим и климатическим воздействиям, надежность. Дополнительно к разъемным соединителям предъявляется требование неизменности параметров при повторной стыковке.

Потери в соединительных устройствах в основном возникают из-за несовместности и несоосности торцов волокон. Поэтому допуски на внешние диаметры волокон должны быть жесткими. Необходимо также, чтобы технология процесса сращивания была по возможности простой, не требующей сложных инструментов и оборудования. Торцы соединяемых волокон должны быть оптически плоскими.

Важным требованием является обеспечение высокой стабильности оптического контакта, т.е. сохранение его параметров во времени независимо от температуры, влажности и многократности соединения и разъединения сростка. Необходима надежная гидроизоляция оптических волокон от влаги и агрессивных компонентов окружающей среды (земли, воды, атмосферы).

Навоий шаҳридаги Абдулла Қодирий номидаги ахборот-кутубхона марказида янги ўқув йилига мўлжалланган умумтаълим мактаблари дарсликлари ва ўқув-ўқувчи қўлланмаларининг иктисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси очилди.

Республикадаги «Чўлпон», «Маънавият» нашриётлари бош муҳаррирлари Абдураҳмон Акбаров ва Усмон Қўчқоровлар, «Гулхан» журнали бош муҳаррири Ашуралли Жўраев ва бошқа ношир ҳамда ёзувчилар, шунингдек, дарсликлар муаллифлари ва педагог-олимлар, қасб-хўнар коллежлари, академик лицейлар директорлари, мактаб муаллимлари, ўқувчи-талабалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур тадбир ҳақиқий маърифат байрамига айланди.

Шунингдек, тадбирда «Ўзбек миллий энциклопедияси», ёзувчи Эркин Аъзамнинг «Эртақ билан хайрлашув», Акмал Пўлатнинг «Чемпионлик сирлари», «Ўзбек шеърини антологияси» китоблари ҳамда навоийлик ижодкорлар Одил Хотамов ва Иброҳим Жумаевларнинг янги китоблари тақдирот маросими ҳам ўтказилди.

Анжуман сўнггида «Маънавият» нашриёти томонидан ахборот-кутубхона марказига 8 турдаги бадий адабиётлар, 242 номдаги дарсликлар совға қилинди.

Маърифат байрамида 300га яқин ўқув дарсликлари, «Шарқ зибкори» ва китоб шавдоси ярмаркаси томонидан ташкил этилган 300 нускага яқин бадий ва ижтимоий-сўсий адабиётлар кўргазмаси ҳам ўзига хос тарғибот намунаси бўлди.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Хабар"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

Қадр

ҲАР ҚАНДАЙ ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ЖАМИЯТДА, ЭНГ АВВАЛО, ФУҚАРОЛАРНИНГ ТУРМУШИ ВА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗАЛАШ ҲАҚИДА ҚАЙҒУРИЛИШИ ТАБИИЙ. МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАМ БУ БОРАДА МАҚТАСА АРЗИГУЛИК ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛАЁТИР.

«Ижтимоий Ҳимоя йили Давлат дастури»нинг ижросини таъминлаш борасида фуқаролар фаровонлиги ва соғлигини яхшилашга йўналтирилган бир қатор тадбирлар шулар жумласидандир. Кишилар саломатлигини тиклашда юртимиздаги сихатгоҳларнинг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда. Одамлар бу масканларда мароқли дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар.

— «Маржон» санатория-профилакторияси Муборак газни қайта ишлаш заводига қарашли бўлиб, 22 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади, — дейди даволоччи шифокор Назира Ҳороқова. — Бу ерда асосан Ўзбекистон ёқилги-энергетика, геология ва кимё санвати корхоналарида хизмат қилаётган ишчи-ҳодимлар дам олиб, соғлиқларини тиклайдилар. Эътиборли томони, 755 метр чуқурликдан чиқётган шифобахш сув остеохондроз, артроз, радикулит, полиартрит, ревматизм асоратлари, ошқозон-ичак, юрак қон-томир, тери ва асаб касалликлари ҳамда аёллар касаллиқларига малҳамлиги билан аҳамиятлидир.

Санатория-профилакторияда физиотерапевтик, иссиқ сув, кум ва бошқалар билан муолажалар олиб борилади. Саломатлик маскани яқинда қайта таъмирланиб, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланди. Янги, замонавий тиббий ускуналар билан бойитилган сихатгоҳнинг 50 ўринли ошхона, кутубхона, маънавият хоналари, «Делфин»

чўмилиш ҳавзаси дам олувчилар ихтиёрида. Тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилиб, маданий кўнгилочар тадбирлар ташкил этиб туриш анъанасига айланган. Муборак газни қайта ишлаш заводи ишчи-ҳодимлари учун эса алоҳида имтиёзлар мавжуд.

— Остеохондроз касаллигидан қутулиш учун бу ерга келганман, — дейди ҚаршиДУ доценти Роҳат Усмонова. — Довруғи оламга дoston бўлган йирки шаҳарлардаги сихатгоҳларда ҳам бўлганман. Бироқ «Маржон»даги шифобахш сув у ерларда йўқ. Масалан, Яқкабоғ туманидаги Чиллабулоқнинг суви

Маълумот ўрнида: Қашқадарё вилояти алоқа ходимлари қирлашган қасаба уюшмалари кўмитаси томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 25 нафар алоқачи республикамизнинг турли дам олиш ва даволаниш сихатгоҳларига юборилди. Жумладан, «Қашқадарё соҳили» санаториясида тўрт нафар, «Турон» санаториясида уч, «Чинобод» санаториясида олти, «Мироқи» санаториясида саккиз, «Зомин», «Оқтош», «Чимён» санаторияларида ва Бешкент шаҳридаги даволаш профилакториясида бир нафардан алоқачи саломатликларини тиклаб қайтди.

яра, тошмалар учун қони фойда. Шу атрофдаги Самоқ қишлоғи ҳудудида кундуз 14дан 17гача бўлган оралиқда эсувчи самол шифобахш хусусиятга эга. Китоб туманининг Қайнар ва Шахрисабз Мирқосининг об-ҳавоси нафас йўлларида даволайди.

— Кўплай сихатгоҳларда бўлганман, — дейди «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиали референт-котибаси Ойгул Умарова. — Бу ерга биринчи келишим. Мақташларча бор экан. Тинч-осудалигидан мириқиб ҳордиқ чиқарасиз. Хоналарида барча шароит муҳайё. Ишчи-хизматчилар муомаласидан қалбингиз яйрайди. Шамоллашим бор эди, бир ҳафта бўлмай бундан халос бўлдим. Энди ҳар йили шу сихатгоҳга келишга ҳаракат қиламан.

«Маржон» санаторий-профилакторияси бош шифокори Ҳамиджон Хайруллаев ободонлаштириш ишларини яхши йўлга қўйган. Келгусида ўринлар сони, хизмат турларини кўпайтириш ниятида. Энг асосийси, у ижтимоий Ҳимоя йилида ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган хаста кўнгилли инсонларга алоҳида ғамхўрлик билан қармоқда. Зеро, қилинган саховатли ва бегараз ишлар инсон дардида малҳам бўлиши табиий.


Бу каби кенг қўламли хайрли ишларни «Мироқи» санаториясида ҳам кўриш мумкин. Мазкур санатория жойлашган ҳудудда истиқомат қилувчи ёлғиз, кам таъминланган, кўп болали оилаларни, кексаларни талаб асосида тиббий қўриқдан ўтказиб, амбулатор шароитда бепул даволаш одат тусига кирган.

Санаторияда ишловчи ишчи-ҳодимлар Мирқоси кўрғонида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадр жами 984910 сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Ҳа, юртимизда инсон омилига ана шундай эътибор берилмоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ

«INTERMOBILGAZ» — Экологик тоза, арзон ва тежамли



БЕНЗИН ЎРНИНИ БОСАДИГАН ЁНИЛГИ УСТИДА ИШЛАШ АНЧАДАН БЕРИ ДАВОМ ЭТИБ КЕЛМОҚДА. ШУ ДАВРГА ҚАДАР БЕНЗИНГА МУҚОБИЛ ЁНИЛГИ СИФАТИДА ЭЛЕКТР ТОКИ, ЭТИЛ СПИРТИ, ТАБИИЙ ГАЗ, МЕТАНОЛ ВА БОШҚА ЭЛЕМЕНТЛАР МУТАХАССИСЛАР СИНОВИДАН ЎТКАЗИЛДИ. ТАН ОЛИБ АЙТИШ КЕРАККИ, ЮҚОРИДАГИ ЭЛЕМЕНТЛАР ОРАСИДА КАМХАРЖЛИГИ, ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙЛИГИ ЖИҲАТИДАН ГАЗ АЛОҲИДА ХУСУСИЯТ ВА ИМКОНИАТЛАРНИ НАМОЁН ЭТДИ.

Тежамкорлик хусусиятлари

Дунёнинг барча мамлакатларида газ мосламаларини автоуловга ўрнатиш арзон нархда амалга оширилади. Газдан фойдаланиш натижасида машинанинг техник ҳолати яхшиланади, двигателнинг қуввати кўнглидагидек бўлади.

Автоуловга газ мосламаси ўрнатишнинг асосий афзалликларидан бири унинг тежамкорлигидир. Ҳозир қатор мамлакатларда газ ускуналари билан жиҳозланган машиналар харажати бензин билан юрган машиналар харажатига қараганда бир мунча арзонга тушяпти. Газ машинанинг техникавий иш жараёнларини зўриқтирмаган ҳолда, унинг двигателни қувватини кучайтиради ҳам. Масалан, цилиндр, поршеньлар гуруҳи узоқ муддат хизмат қилади. Газ цилиндрнинг "девор"лари мойини ювиб кетмайди, ёнилғининг бир маромда ёниши учун унинг ҳаво билан яхши аралашувига қулай шaroит яратлади.

Мой ўз хоссасини аста-секин йўқотишини инobatта оладиган бўлсак, уни алмаштириш ҳоллари ҳам камроқ бўлади. Газ қўюлмаси деярли тўла ёниб, поршеньларда, клапанларда ва ёндириш шам (свеча)ларида куйиш ҳоллари бўлмайди, поршеньлар гуруҳи ва тирсакли валлар "юки" энгиллашади. Натижада, двигател ҳам энгил ишлаб, тебраниш ва силтаниш ҳоллари сезилмайди. Моторга тўри иш режими танланса, "2-3 дБ"дан тараққатган кувур (шум) шovқини ҳам қамрайдиган.

Бу омилларнинг ҳаммаси, пировардига, ёнилғига сарфланадиган маблагни икки баравар (кўпроқ ҳам) тежаш, двигателнинг хизмат муддатини 30-40 фоиз, мой ва шamlарникинни 2 баравар узайтириш имконини беради. Табиийки, уларни таъмирлашга кетадиган харажатлари миқдорини ҳам қамайтиради. Сўзимизнинг исботи сифатида 1 литр бензин — 710 сўм бўлса, газнинг 440 сўмлигини ҳисобга олсак, автомобилларни газлаштириш нечоғлик иқтисодий самара беришини аниқлаш қийин эмас. Масалан, "Нексиа" автомобиلى 100 км.га 9 литр бензин сарфласа, газда эса 9,9 литр сарфлайди. Шунда кунига 150 км. юрилса, бир йил давомида 1 006 830 сўм тежаб қолинади. "Дамас" автомобиллари эса 100 км.га 7,5 литр бензин, 8,25 литр газ сарфлайди. Бир йил давомида 838 860 сўм иқтисод қилинса, "Волга"га 13,5 литр бензин, 14,8 литр газ сарфланган ҳолда, бир йилда 1 521 135 сўм тежаб қолинади.

Кўпчилик автоomobil эгалари газнинг иқтисодий тежамкорлигига эътибор қаратишиб, унинг бошқа афзалликларини унутиб қўядилар. Бинобарин, машина салонида туриб, йўл-йўлакчи автомобилни ҳам газга, ҳам бензинга ўтказиш имконияти пайдо бўлади. Газ тизимининг таъминот қисмида носозликлар вужудга келганда ҳам автоomobil харакатдан тўхтамайди. Бундан ташқари, автоomobilнинг газ баллони тўлиқ тўлдирилганда, автоomobil икки баробар кўпроқ харакат қила олади (газ баллонининг ҳамми бензин бақидан кичик эмас). Юқоридаги ҳолат узоқ масофаларга қатновчи ҳамда сотиб олинган бензиндан кўнгли тўлайдиган ҳайдовчиларга қулайлик яратди. Каталитик нейтралазатор билан жиҳозланган қиммат нархдаги хо-

риж машиналарининг эгалари ҳам газ ёнилғи тизимини ижобий баҳолашапти. Газ тизимини автоomobilнинг амортизация қисмига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Агар газдан тўри фойдаланинса, резинали техник мосламаларнинг фойдаланиш муддати беш йилга узаяди.

Экологик тоза

Маълумки, автоomobilлар томонидан атмосферага тонналаб захарли моддалар чиқарилади. Республика-мизнинг йирик шаҳарларида ҳавони ифлослантирувчи газлар автоomobilлар хиссасига тўри келади. Авто-транспортларда газдан муқобил ёнилғи сифатида фойдаланиш экологини яхшилашга хизмат қилади. Чунки каталитик захар ҳисобланган моддалар газ ёнилғиси таркибиде деярли йўқ. Табиий газ машина двигателларининг "Евро-4" экологик меъё-ларига тўла мос келади. Шунингдек, энергия манбаларидан оқилона фойдаланишда ҳамда нефт захираларини келажак авлодлар учун сақлашда ҳам газнинг аҳамияти беқийс.

Хавфсиз

Газнинг баллонда босим остида сақланиши дизел ва бензин ёнилғисига қараганда анчагина хавфли деган фикрнинг уйғотида. Аслида эса бундай эмас. Газ баллонлар анча хавфсиздир. Улар ёрилиш ёки портлаш хавфини келтириб чиқармайдиган даражада мустаҳкам қилиб ишланган. Газ баллонлари баланддан тушишда, ўқ узилганда, юқори ҳароратларда, оловга ва кислотага чидамлилиги бўйича бир неча бор синовдан ўтказилган. Қонда бўйича баллонлар машинанинг шикастланиши хавфи кам бўлган жойларига ўрнатилади. BMW компанияси аниқ фактлар асосида автоomobil корпусининг шикастланиш хавфини ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, автоomobil корпусининг газ баллони жойлашган қисмида шикастланиш хавфи атиги 1-5 фоизни ташкил қилар экан. Автоomobilлардан фойдаланиш тажрибаси ҳам газ билан харақатланадиган машиналарда нисбатан портлаш хавфи камроқ эканлигини кўрсатади. Газ ёки бензин ҳавода фақатгина маълум ҳажмдагина юқори концентрацияда ёниши мумкин. Бензин 1,5 литр концентрацияда ёнади. Харақатланаётган автоomobilда эса ёнган хавфи ҳолати вужудга келмайди.

Қайси мосламани танлаган бўлардингиз?..

Шундай қилиб Сиз газ баллон қурилмасини ўрнатишга қарор қилдингиз. Қайси фирманинг маҳсулотига ишонч билдириш керак, деган табиий савол туғулади. Айнан сифатсиз газ баллон мосламаларидан фойдаланиш газдан ёнилғи сифатида фойдаланиш даражасининг пасайиб кетишига олиб келади. Сифатли газ баллон мосламаси ишлаб чиқарувчилар орасида Голландия ва Италия фирмаларини эътироф этишимиз мумкин. Сифати жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмасда-да, Голландия маҳсулоти Италияникига қараганда қимматроқ. Умуман олганда, турли фирма маҳсулотлари бир-биридан кам фарқ қилади. Шунга қарамай, биллиб қўйиш керак бўлган баъзи ҳолат-

лар бор. Масалан, "ЛОВАТО" фирмасынинг редукторлари 2 литргача бўлган двигателларда яхши ишлайди. Уларни катта ҳажмдаги моторлар билан ҳам ишлатиш мумкин. Уларнинг тузилиши бошқа фирма маҳсулотларига қараганда анча содда. Лекин улар ҳам мотордаги газнинг совитиш тизими ва ҳавонинг зичлиниб қолиш хавфидан мустасно эмас. Бугунги кунда газ баллон қурилмалари орасида савдо белгиси BRC Gas Equipment MTM (Италия) маҳсулотига тенг келадигани топилмапти.

Ҳўш, автомашинагизга баллонли газ ускуналари ўрнатмоқчисиз, даставвал қаерга, қайси устахонага борганингиз маълум?

Бу борада сизга маслаҳат: "INTERMOBILGAZ" МЧК автомашиналарга баллонли газ ускуналари ўрнатиш, газ қўйиш шахобчаларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш фаолияти билан шуғулланади. У — BRC, BRC Gas Equipment (Италия) компаниясига қарашли бўлиб, баллонли газ ускуналарини ўрнатувчи махсус (эксклюзив) дилердир.

BRC Gas Equipment тамғаси билан чиқарилган маҳсулотлар ўзининг юксак сифати ва кенг дилерлик тизими билан бутун жаҳонга маълум ва машҳурдир. Бугунги кунда у ўз ускуналари ва бутламаларини Европанинг кўплаб мамлакатларига пешма-пеш етказиб бермоқда. Экологик хавфсизлик бўйича "ЕВРО-3", "ЕВРО-4" талабларига мос.

Ҳозир Тошкентда 13та автоomobilларга газ қўйиш шахобчаси ишлаб турибди. Яна ўндан ортиқ шундай шахобчалар қурилмоқда.

Компания миқозлиги сони Ўзбекистонда ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Давлат геология ва маъданли ресурслар қўмитаси, "Узсанотқурилишбанк", "Ўзкимёсанот", Республика Миллий банки, "Галлабанк", "Узпахтасаноат" ассоциацияси, "Ўзбекивест" сугурта компанияси, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, Тошкент марказий универмаги, Тошкент авиация институтини, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали, "Аммофос" ОАЖ, "TOSHKENT REGIONAL TRADING" АЖ, Ўзбекистон автоomobil ва даёран транспорт агентлиги ва яна юзга яқин катта-кичик идора, муассаса ва корхоналар шулар жумласидандир.

Автоomobilларга газ баллонлари ўрнатишган ва газ қўйиш шахобчаларидан фойдаланаётган фуқаролар сони кўпчиликини ташкил қилади.

"INTERMOBILGAZ" МЧК қўйидаги хизматларни тақлиф қилади:

- ускуналари профессионал даражада ўрнатиш; — автомашинани оригинал жиҳозлар (редуктор, электроника, газ баллонлари) билан қайта ускуналаш; — газни 4 тур (компонент)да таҳлил қилувчи қисмлар "тести"; — аъло даражадаги техникавий хизмат; — 6 ойлик қафолат ва ҳоказо.

Хуллас, "INTERMOBILGAZ" компанияси хизматлари қулай, арзон, афзал, тежамкор ва экологик тоза...

Муртазо СУЛТОНОВ,
"INTERMOBILGAZ" компанияси директорлар кенгаши раиси, иқтисод фанлари номзоди

TATU FILIALLARIDA

ФАОЛЛАРГА МУКОФОТ

Яқинда Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг бир гуруҳ талаба ва ўқитувчилари пахта мавсумида фаол иштирок этгани учун муносиб тақдирланди.

Вилоят "Ёшлар маркази" биносиде ўтказилган тадбирни TATU Самарқанд филиали директори О.Мелиев очиб, пахта йигим-теримида алоҳида ўрнатилган кўрсаткич миннатдорчилик билдирди.

Филиал жамоаси бу йилги мавсумда Каттақўрғон туманининг "Қорадарё" фермер ҳўжалиги пахтакорларига ҳосилни тегиб олишда ёрдам кўрсатишди. Ҳашарда жамоанинг 748 нафар талабаси иштирок этди, минг тоннадан ортиқ пахта билан эл хирмонига муносиб хисса қўшдилар.

Филиал маъмурияти томонидан иккинчи босқич талабалари — Ҳасан Қаршиев, Жалилбек Ҳазратқуллов ва Аббор Муртозовлар "Энг илғор теримчи" номинацияси бўйича биринчи ўринни эгалладилар ва "Фахрий ёрлик" ҳамда пул билан рағбатлантирилди. "Энг яхши ҳўжалик ишчиси", "Энг фаол тадбиркор ва меҳрибон мураббийлар" номинациялари ғолиблари ҳам "Фахрий ёрлик" ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Йигим-теримни ташкил қилиш ва фаол ўтказишда филлиалнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Шавкат Бўрибоев ҳамда факултет декани Нарзулло Ражабовлар ўз ташкилотчилиги билан барчага ўрнатқ бўлишди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қайтаров раҳбарлигидаги бадиий ансамблининг концерти намойиш қилинди.

Абдуғофур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири

«БИЛАЙН»НИНГ ЯНГИ ОФИСИ

"Unitel" маъсуляти чекланган жамияти (Ўзбекистон ҳудудида «Билайн» савдо маркаси остида уяли алоқа бўйича хизмат кўрсатувчи компания)нинг Гулистон шаҳрида янги савдо ва хизмат кўрсатиш офиси иш бошлади. Ушбу офис «Unitel»нинг ўн тўртинчи хусусий савдо ва хизмат кўрсатиш офисидир.

— Гулистондаги янги офис савдо тармоғимизнинг кенгайиб бораётганини кўрсатади. — деди «Unitel» МЧК бош директори Евгений Рубан. — Янги офис охири орқали компаниямиз бу шаҳардаги абонентларимиз учун янада яқин бўлишга ҳамда алоқа хизматини энг юқори даражада кўрсатишга интиломоқда.

«Билайн»нинг Гулистондаги фахрий абоненти сифатида «Нуроний» жамғармаси Сирдаё вилоти бўлими раиси Абдусаттор Муҳамедов танланди. Компания унга замонавий мобил телефон ва алоқа хизматидан бепул фойдаланиш имкониятини тақдим этди.

Янги офис очилиши кунда «Unitel» компанияси Гулистон туманидаги 70-мактабга 10та компьютер совға қилди. Бундан ташқари, 23 ноябрдан бошлаб «Билайн» Сирдаё вилоти абонентлари учун янги «Мобил шov-шув» акцияси амалга киритилганини эълон қилди. Ушбу акция 2007 йилнинг 23 декабрига қадар давом этади. 23 ноябрдан 23 декабргача «Билайн»нинг исталган пакетига уланган Сирдаё вилотидаги абонент 200та уяли телефон ўйналадиган махсус тадбирда иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Ютуқлар ўйини ҳар ҳафта ўтказилади. Акцияда иштирок этиш учун абонент Сирдаё вилотидаги савдо ва хизмат кўрсатиш офиси ёки исталган дилерлик шахобчасида уланиш қийф.

● SAVOL-JAVOB

ҚАНЧА УХЛАШ КЕРАК?

Одатда катта ёшли одам соғлиги ва меҳнат қobili- ятини йўқотмаслиги учун бир кеча-кундузда 8 соатдан кам ухламаслиги зарур, деган тушунча мавжуд. Шифокорлар орасида бу фикрни тасдиқловчилар кўплаб топилди. Бироқ барча ҳам дам олиш, яъни тўйиб ухлаш имконига бирдек эга эмас. Иш, ўқиш, транспортда юриш, турли муаммолар сабаб меъёрни бузамиз, яъниким ухлаш учун жуда-жуда кам вақт ажратишга мажбур бўлаемиз. Бу омиллар инсон организмига қанчал- лик салбий таъсир кўрсатишини аниқлаш ниятида Буффало универси- тети мутахассислари кўп йиллик тадқиқот ўтказишди.

Синов-тажрибада 10 йил давомида тиббий кўриқдан мунтазам равишда ўтиб туриш мажбуриятини олган 8 мингга яқин кўнгилчилар қатнашишди. Хар бир қатнашчи учун оцилган тиббиёт дафтарларида уларнинг соғлиги, турмуш тарзи, одатлари ва энг асосийси, қанча ухлаши қайд этиб борилди. Маълумотларни изчил таҳлил қилган олимлар уйқусеварларнинг бир кеча- кундузда 7 ва ундан кам соат ухлаганларга қараганда инфаркт ёки инсультга чалиниш эҳтимоли 50 фоиз юқори деган хулоса чиқаришди. Кундузи бир-икки соат мизгиб олишни қанда қилмайдиганлар орасида бу эҳтимол янада ортади.

Бу хулосага илм-фан ҳозирча жавоб топа олгани йўқ. Холбуки, кўп ухлашга эҳтиёж ошишининг ўзиёқ соғлиқ тугал эмаслигининг бир аломати. Жумладан, апоноз (уйқуда нафас олишнинг қисқа муддатга тўхта- ши) юз бериши оқибатида одам кечаси уйқуда тўла- қонли дам ололмади ва кундузга бориб ҳам уйқуси- раб юради.



ҚАЛАМ ҚАНЧАГА ЁТАДИ?

Хисоб-китоб қилишларича, стандарт қалам (узунлиги 18 см) билан 55 километр узунликдаги чизик чизиш ёки 45 мингтагача сўз ёзиш мумкин экан.

Қалам икки марта ихтиро қилинган десак, мубо- лага бўлмайди. 1565 йили Англиянинг Камбер- лэнд графлигида илгари номаълум бўлган мине- рал — графит (юнонча "grapho" — "ёзаман" сўзидан) кони топилди. Усталар графитдан кўлда йўниб ўзақ ("стержень") тайёрлашдан кўла бор узунлиги бўйича айлантириб тасма ўрашган. Аммо кўп ўтмай коннинг охири кўришиб қолди...

Иккинчи бор 1795 йили француз Конте ва чех Гардмут бир-бирларидан беҳабар ҳолда графит ва гилни пишириш орқали қалам ўзақларини тайёрлаш технологияси- ни ишлаб чиқишди ва ривожлантиришди. Гил микдориға қараб турлича қаттиқликдаги қаламлар олинган. 1846 йилга келиб 17 хил қаттиқликдаги қалам- лар ишлаб чиқарилган. 1913 йили россиялик корча- лон Гинделман механик қалам — "ручка-қалам" ихтироси- га патент олган.

ҚОРА КИТОБ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Қизил китобни яратиш гоёси ўтган асрнинг 50-йиллари охири- да пайдо бўлган. Олимлар шу йўл билан йўқолиб бораётган ҳайвонот ва ўсимлик турларига жамоатчилик эътиборини қара- тишга ҳаракат қилишган. Биринчи халқаро Қизил китоб 1966 йили нашрдан чиққан бўлиб, унга 200 турдаги қуш, 100та сўтэмизувчи ва 25 мингга ўсимлик тури киритилган. Афсуслар бўлсинки, флора ва фауна олами тобора қашшоқлашишда давом этмоқда.

Шу боис, Қизил китоб ёнига Қора китоб ҳам қўшилди. Унга инсониятнинг табиатга ўзбошимчалик билан муносабатда бўли- ши оқибатида бутунлай йўқ бўлиб кетган ўсимлик ва жонзотлар ҳақидаги маълумотлар киритилган.

● BILASIZMI?

● Юнонистондаги аксарият майда қаҳвахоналарда таомнома юритилмайди. Сайёҳ хўрандалар қаҳвахо- на ошхонасига кириб, ўзалари учун керакли таомни танлаб олаверадилар. Чунки кўпчилик сайёҳлар юнон- чани билишмайди.

● Майамидаги ресторанлардан бирида уч кишилик гуруҳ хоҳлаганича теккига овқатланиши мумкин. Фа- қат ягона шарт билан: гуруҳ аъзоларидан бирининг ёши 80дан ошган, қолган иккиси эса унинг ота-онаси бўлиши лозим.

● Аслини олганда, "Минг бир кеча" эртаги қаҳрамо- ни Оловиддин Бағдодда эмас, Хитойда яшаган.

● А.С.Грибоедов (1790-1829) қаламига мансуб "Ақл- лилик балоси" комедиясининг 54 жойида "АХ!" ва 6 жойида "ОХ!" деган хитоб учрайди.

● Улуғ рус шоири Александр Пушкиннинг машхур "Капитан кизи" қиссаси илк маротаба япон тилига таржима қилинганда, япон таржимонлари айтилиши қийин бўлган русча исмларни англисча Мэри ва Смит- га ўзгартириб қўйишган. Чунки кунчиқар мамлакат китобхонлари бу пайтда англисча исмларга оз бўлса- да, кўникиб қолишганди. Русча номлар улар учун мутлақо нотаниш эди.

● Хомернинг "Илиада" достони 15000 банддан ибо- рат.

● 1911 йили бутун дунёга машхур "Мона Лиза" кар- тинаси ўғирлангач, бир фирибгар 6 нафар америка- лик миллионерга гўёки "ҳақиқий" "Мона Лиза"ни 3 миллион долларга пулаганди.

● BU — QIZIQ!

ЙИРТҚИЧЛАР БИЛАН ЁНМА-ЁН

Флорида штати қонунларига кўра, ёввойи ҳайвонларни уйда бемалол сақлаш мумкин. Шу туфайли штат фуқаролари ёввойи, ҳатто йиртқич ҳайвонлар билан яшашига одатланишмоқда. Учта йўлбарс билан бирга яшаётган Адам ҳам уларнинг бири. Уй эгаси йўлбарсларнинг хотиржам яшашлари учун барча шароитларни яратиб берган. Адам улар билан бир хонада ухлайди, душда чўмилиди, бирга овқатланади. Энг қизиғи, улар бир-бирларини яхши тушунишади. Аммо, Адам бир масалада, яъни ўзига турмуш ўртоғи топишда қийналяпти. Сабаби, бирорта аёл юрак ютиб, йўлбарслар ичида яшашига рози бўлмапти.

Шу штатда яшовчи Керил хоним эса 16 гектарлик ҳовлисида 8та жирафа билан истиқомат қилади. Саванналарда яшашига одатланган жирафалар Керил хонимни ўз оналаридай қабул қилишган.



"Kulgi.NET"
"МОДЕМНИНГ НАЗАРЛАРИ БУРДА..."

Фирмага янги Сичқон- ча ишга келди. Танаф- фусда у Клавиатура билан шивирлашди.
 — Менга қара, Клава, билмайсанми, фирма- мизда энг катта бошлик ким? Раҳбарлар шунча- лар кўпки, ажратиб бўлмаепти...
 — Узинг нима деб ўйлайсан?
 — Ҳмм, эҳтимол Сер- вердир...
 — Э, йўқ... У ҳам маошда. Ичганда зўр йигит.
 — Унда Принтерми?.. Рангли, лазерли...
 — Йўқ, Сичқонча, яна адашдинг. Тумба устидаги кичкинагина, қизил кўзлини кўрап- санми? "Модем" дейилади. Ана ўша энг катта- миз.
 — Нима, у шунчалик ақлими?
 — Т-с-с-с!.. Йўқ, у жуда арзон ва аҳмоқ, доим писмайиб ётади. Лекин унинг алоқада шунақанги зўр танишлари борки...

АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

● Сайт, Web-сайт (ru - сайт, сайт Web, en - site, Web-site) — 1. Битта муаллифга, ташкилотга ёки фойдаланувчига тегишли бўлиб, мавзу жиҳатидан бирлашти- рилган Web-саҳифалар- нинг тўплами.

2. Маълум ахборот сақланадиган ва ундан интернет орқали очик фойдалана олиш мумкин бўлган компютер (тар- моқ узели).

3. World Wide Webдаги бирор бир ахборотни топиш мумкин бўлган жой.

Изоҳ — Контекста боглиқ ҳолда сайт атамаси ё бир муаллиф, ташкилот ёки фойдала- нувчига тегишли бўлган, мазмуни бўйича бир- лаштирилган саҳифалар тўпламига ёки маълум ахборот сақланадиган ва интернет орқали очик фойдалана олиш мумкин бўлган компютер (тар- моқ узели)га тегишли бўлади.

● Тармоқларнинг бутунжаҳон тармоғи, бутунжаҳон тўри, World Wide Web (ru - сеть сетей всемирная, паутина всемирная, World Wide Web, en - World Wide Web, WWW) — 1. Манбаларни интернетдан қидириш- нинг ва улардан фойда- лана олишнинг гипер- матли тизими.

Изоҳ — World Wide Web шу тармоқнинг компютерларида, уларнинг гиперхаволала- рини боғловчи тизим орқали сақланадиган хар қандай маълумотларни кўриб чиқишга имкон берувчи интернет хизматларининг тўпла- мини акс эттиради.

2. Интернет орқали фойдаланиш амалга ошириладиган кўпгина Web-узеллар.

● Уй саҳифаси, бош саҳифа, бошланғич саҳифа (ru - страница домашняя, заглавная страница, начальная страница, en - home page) — Web-сайтга келадиган келувчи ва сайтни кўриб чиқиш бошланадиган биринчи Web-саҳифа.

Изоҳ — Одатда, уй саҳифаси орқали келув- чи қаерга тушгани ва у сайтнинг бошқа саҳифа- ларида нимани кўриши мумкинлиги тўрисидаги тасаввурга эга бўлади.

● HTML-ҳужжат (ru - HTML-документ, en - HTML-document) — гиперматли белгилаш тили ёрдамида ташкил қилинган ҳужжат (Hyper Text Markup Language).





СПОРТ ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

— дейишмоқда "ШАК" жамоаси футболчилари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Тошкент шаҳри ҳудудий-минтақавий мусобақаларини муваффақиятли ўтказиб, финал босқичига йўланмани кўлга киритган "ШАК" жамоаси 3-5 октябр кунлари Ўзбекистон Миллий университети спорт залида бўлиб ўтган кучлилар баҳсида иштирок этди. Финал ўйинлари тугагач, жамоа аъзолари билан рашиш имконияти туғилди ва футсаддан фойдаланиб уларни суҳбатга чорладик.

— Келинг, суҳбатимизни жамоангизнинг ташкил этилиши тарихидан бошласак.

Қаҳрамон САРИМСОҚОВ
(корхона касаба уюшмаси кўмитаси раиси):

— Ҳозир футбол жамоамизни тузиш тақдирини корхонамиз директори Абдувоҳид ака Жўрабевдан чиққанди. Тўғри, ишни аввалига икки-уч нафар малакали футболчиларни ишга қабул қилиб, қисқа муддатларда яхши натижалар билан ҳам бошлашимиз мумкин эди. Аммо биз жамоамизни "эски" мутахассисларимиз ва ҳодимларимиздан ташкил этишни маъқул топдик. 2007 йилги Агентлик ва Марказий кенгаш кубоги ўйинларида "ШАК" жамоасининг мазкур мусобақаларда иштирок этиш буюртмасида қайд этилган 11 нафар ўйинчидан 10 нафарини Тошкент ахборот технологиялари университетининг битирувчилари, шулардан 6 нафарини магистратура битирувчилари ташкил этди. Бундай ҳолат, менимча, соҳамизнинг биронта жамоасида қайд этилмаган. Жамоамизнинг бирорта аъзоси чекмаслиги, спиртли ичимлик имчаслигини айтиб ҳеч кимни ҳайратга сололмасам керак. Чунки, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга катта эътибор бераётган жамоалар соҳамизда етарлича топилди ва улар соани тобора кўпайиб бормоқда. Бу борада "ТШТ" ва "Тошкент Телеком" филиаллари, "Билайн", Навоий вилоятининг "Алоқабанк" жамоаларини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади.

— Ўтган қисқа вақт мобайнида жамоангиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг энг кучли жамоаларидан бирига айланди (Эслатма: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ҳодимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг кубоги учун 2007 йили ўтказилган мусобақаларда "ШАК" жамоаси финалга қадар борди ва иккинчи ўринни эгаллади). Бунгача яна қайси мусобақаларда иштирок этдингиз ва қандай натижаларга эришдингиз?

Олимжон БОБОБЕКОВ
(етақчи муҳандис):

— 2006 йили Агентлик ва Марказий кенгаш кубоги учун саралаш баҳсларидаги илк иштирокимиз муваффақиятсиз чиқди. Аммо 2007 йилнинг январь-феврал ойларида Тошкент авиация институтининг очиқ биринчилигида Ўзбекистон миллий биринчилиги олий лигасининг «Чотқол» жамоаси ва бир қатор кучли ҳаваскор жамоалар иштирокида ўтган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, 3-ўринни эгалладик. Ҳужумчимиз Нодир Маюсупов мусобақанинг "Энг яхши ҳужумчиси" деб тан олинди ва ташкилий кўмитанинг махсус совринига эга бўлди. Бу мусобақалар "Xabar" газетасида ҳам ёритилди.

Кейинроқ, баҳорда ташкиллаштирилган "Ўзбектелеком" АК кубоги (соҳанинг футбол бўйича иккинчи йирик турнири) ўйинларида 4-ўрин билан кифояландик.

— 2007 йилги соҳа кубогининг финал босқичидаги ўйинларингизга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

Маъруф СЎФИЕВ
(антенна-мачта қурилмалари бўйича етакчи муҳандис):

— Ҳозир "УзАА" ва Республика алоқа ҳодимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг кубоги учун футбол бўйича мусобақаларнинг саралаш беллашувларини мағлубиятсиз якунлаб, финал қисмига чиқдик. Гуруҳ баҳслари ҳам ҳеч қандай қийинчилик туғдирмади. Чорак финалда "Билайн" жамоасидан 4:2 ҳисобда устун келдик. Дарвоқе, мутахассислар ушбу ўйинга турнирнинг энг чиройли ва томошабоп ўйини сифатида юқори баҳо беришди. Яримфиналда "Қорақалпоқ Телеком" жамоасини мағлубиятга учратдик. Янвий финал беллашуви эса барчанинг ёдида (мазкур мусобақаларнинг 4 карра голиби "ТШТ" жамоаси рақибимиз бўлди). Тенг кучлар остида ўтган мurosасиз баҳсда асосий вақт дуранг (1:1) билан якунланди ва пеналтилар сериясида омад рақибларимизга қулиб боқди (6:5).

— Ҳар бир жамоанинг ўзагини ташкил этувчи етакчи ўйинчилари бўлади, сиз бу ўринда қимилари алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

Қаҳрамон САРИМСОҚОВ:

— Албатта, жамоамиз галабаларини таъминлашда маҳоратли спортчи ҳамкасбларимизнинг ўрни беқисб. Жумладан, авария-тиклаш хизматининг муҳандиси Нодир Маюсупов, моддий техника таъминоти хизмати муҳандиси Баҳром Аҳмедов, антенна-мачта қурилмалари бўйича етакчи муҳандис Маъ-

руф Сўфиев, техник бўлимнинг етакчи муҳандиси Шерзод Камоловлар корхонамизнинг билимдон мутахассислари бўлибгина қолмай, жамоамизнинг галабаларига ҳам ўзларининг салмоқли улушларини қўшиб келмоқдалар.

— Нисбатан қисқа вақт ичида жамоанинг соҳадаги етакчи жамоалар сафига қўшилиши сирини нимада?

Нодир МАЮСУПОВ
жамоа сардори (авария-тиклаш хизмати муҳандиси):

— Ҳақиқий маънодаги жанговар жамоа шаклланишида, менимча, соғлом муҳит ва ҳамфирк инсонларнинг кучларини бирлаштириши катта аҳамиятга эга. Биз бирга ишлаймиз, бирга спорт мусобақаларига тайёргарлик кўраемиз, албатта, бу омиллар ютуқларимизда намоён бўлмоқда. Бу борада касаба уюшмамиз етакчиси Қаҳрамон ака Саримсоқовнинг хизматлари катта бўлаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Раҳбарларимиз ва касаба уюшмаси кўмитаси мунтазам машқ ўтказишимиз учун шароит яратиб, бизни яқиндан қўллаб-қувватлаб келаётир.

— Эрталаб ишга, ишдан чиқиб спорт залига, уйга эса кеч бўлганда чурчаб кириб борасиз. Дам олиш кунлари ҳам машгулот ўтказилса керак? Оила аъзоларингизнинг бунга муносабати қандай?

— Албатта, спорт ҳар биримизнинг анчагина бўш вақтимизни олади. Аммо унинг қанчалик фойдалилигини соғлом турмуш тарзига риоя қилувчи ҳар қандай одам яхши билади. Оила аъзоларимиз бизни яхши тушунишади, ҳеч қачон спорт билан шуғулланишимизга тўсқинлик қилишмайди.

— Ва ниҳоят аънавий савол. Келгуси режаларингиз, жамоа зиммасига қандай вазифалар юклатилган?

— Энг муҳими, биз жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишда давом этамиз. Асосий мақсадимиз — соҳа кубогини кўлга киритиш. Бу жуда оғир вазифа. Бунинг учун фақат жисмоний ва тактик тайёргарлик, юксак техник маҳоратга эга футболчиларнинг ўзи кифоа қилмайди. Бир оз бўлсада омад ҳам қулиб боқиши жуда зарур. Шу ўринда барчамиз учун сеvimли бўлиб қолган футбол бўйича кубок ўйинларини ташкиллаштириб келаётган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ҳодимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раҳбариятига ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

Собит АҲАДОВ суҳбатлашди

Сергей НАСЛЕДОВ олган суратлар

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲҲЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган кўлзма ва суратлар эга тарига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикрларидан фарқланиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 1
Реклама материалларининг тўғриликта таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

1053-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табоқ.
Алади: 7217 нуска.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслидин БҲҲРИЕВ.
Матн теруви: Дилфуза МАТҚҲҲБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

ALOQACHILAR IJODIDAN



Музаффар Сатторов 1971 йилнинг 7 сентябрида Мархамат туманининг Қовунчи қишлоғида туғилган. 1988 йилда Андижон шаҳридаги техника билим юртини электик мутахассислиги бўйича тугатган. 2001 йилдан буён Мархамат тумани почта алоқаси тармоғида хизмат қилади. Иқбол Тонг тахаллусида ижод қилаётган М.Сатторовнинг шеърларини эътиборингизга ҳавола қилаймиз. Унинг самимий мисралари дилларингизни тонгдай ёриштириб юборса, ажаб эмас.

Сени севдим, ВАТАН!

Киндик қоним тўқилгандир
Она Ватан, тупрогингга.
Жоним нисор айлай сенга,
Чўп кирмасин қароғингга.
Борбон бўлай, майли десанг
Вулбулинг бор ҳар боғингда.
Онам дейман, отам дейман
Буюк Ватан сени кучиб.

Ҳар бир қарич тупроғинг дур —
Гавҳардир, зар-тиллога тенг.
Ватан ҳар бир юмушингга
Шайман ҳар вақт шимариб енг.
Дунёларга тенглашади
Қучоғингда ҳар бир боланг.
Онам дейман, отам дейман
Буюк Ватан сени кучиб.

Қиёсинг йўқ — беқийёсан,
Тенги йўқсан бу оламда.
Истиклолнинг шуқуҳидан
Шодлик, қувонч ҳар одамда.
Иқбол Тонг ҳам сенга ашёр
Битмоқ бўлди ушбу дамда.
Онам дейман, отам дейман
Буюк Ватан сени кучиб...

ДАРДЛИ ДИЛ

(Султонбек исми биродарим тилидан)

Омонат дунёда омонат жонман,
Кимга ота, кимга суюкли ёрман.
Ота-онам учун гавҳар-маржонман,
Кўнгли яримману ўзим Султонман.

Умидли дунёнинг озорлари бор,
Савдогари кўпу ўзим — харидор.
Бир дилда ярми қиш, ярмида баҳор,
Кўнглимга малҳам йўқ, ўзим Султонман.

“Қани оёғингиз?” — сўраса ўғлим
Не деб сўйлай олсин ўша пайт тилим.
Шундан ўқинади бу ярим кўнглим,
Саволга жавобсиз турган Султонман.

Бир оёқсиз ҳам қилишар ҳурмат,
Аллоҳга қулдирман, Расулга уммат.
Иқбол Тонгдан хафа бўлманг фақат,
Тақдиримда шундай, дардли Султонман.

Иқбол ТОНГ

OBUNA—2008

“Хабар” газетасига ким қанча обуна бўлди?

2008 йил учун расмийлаштирилаётган обуна бўйича 20 ноябргача бўлган маълумот*



*Маълумот “Матбуот тарқатувчи” АК томонидан тақдим этилди.



Шу сонга ТЕЛЕГРАММАЛАР

“Қорақалпоқ Телеком” филиали ишчи-ходимлари 2007 йилнинг 23 ноябрига қадар келгуси йил учун “Хабар” газетасига 1074 дона обуна бўлишди. Шундан 12 ойга — 1010, 6 ойга — 62, 3 ойга — 2 дона обуна уюштирилди.

Қ.ТАЖЕНОВ,
“Қорақалпоқ Телеком” филиали директори

2008 йил учун “Хабар” газетасига «Андижон Телеком» филиали жамоаси яқка тартибда 315 нусха, шу жумладан, ижроия аппарати ходимлари 45 нусха йиллик обуна бўлдилар.

Б.МАНИЯЗОВ,
«Андижон Телеком» филиали директори

GAZETXON TAKLIFI

ХОРИЖ ХАБАРЛАРИ КЎПРОК БЎЛСА

Биз ёшларни ахборот технологиялари соҳасидаги оламшумул ўзгаришлар жуда қизиқтиради. Кейинги йилларда айнан шу соҳани эгаллашимиз, чуқур билимга эга бўлишимиз учун нафақат олий ўқув даргоҳларида, балки умумтаълим мактабларида ҳам барча шарт-шароитлар яратилганлигидан беҳад хурсандимиз.

Мен Навоий шаҳридаги 11-ўрта мактабнинг 11-синфида ўқийман. “Хабар” газетасининг муҳлисман. Унинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб бораман. Янги 2008 йил учун ҳам газетга обуна бўлдим. Келгуси йилда газета саҳифаларида хориж хабарларига кенгроқ жой ажратилса, яхши бўларди.

Нусратжон ХУСАНОВ
Навоий шаҳри

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

“Давлат Қуролли Кучларининг ташкил этилиши” купонли почта маркалари туркуми. О.Жолдасова дизайни. В.Ковреин фотоси.



409. “Тантанали қутлов” купонли почта маркаси. Варақда 2 марка, 2 купон бор.



410. “Ракета қуроллари” купонли почта маркаси. Варақда 2 марка, 2 купон бор.



411. “Машгулот вақти” купонли почта маркаси. Варақда 2 марка, 2 купон бор.



412. “Хизматга сафланиш” почта маркаси.
413. “Ғаввослар машгулот вақтида” почта маркаси.
414. “Фаолсизлантириш жараёни” почта маркаси.

412-414 маркалар 3 марка, 1 купондан иборат кварталок кўринишида босилган. Варақда 12 марка, 4 купон бор.



415. “Пийда қўшинлари машқда” почта маркаси.

Табрикларимиз!

Қашқадарё “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ жамоаси жамият хабарчиси Аъзамжон ОЧИЛОВни таваллуд топган кунни билан муборакбод этади. Унга узоқ умр, ишларида ривож, ҳаётида қувончли кунлар кўп бўлишини тилайди.